

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Каримов Ўлмасбек, ТАТУ Фарғона филиали катта ўқитувчиси,
Каримов Авазбек, ТАТУ Фарғона филиали 611-11 гуруҳ талабаси**

Халқимиз доимо илмни ва илмчиларни қадрлаб келган. Устоз сиймоси халқимизда доимо улуғвор, покиза, имонли ва ардоқли инсон рамзи ҳисобланган. Халқимиз назарида энг муқаддас интилиш-илмга, маърифатга интилишдир. Инсонни инсон даражасига етказадиган нарса меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса инсоннинг яшаш мақсади ва усулидир. Интеллектуал меҳнатнинг кадр-қиммати ва самарадорлиги масаласи доимо долзарб масала саналган. Зеро, инсоният эришган барча ютуқлар ҳам, унинг бошига тушган бахтсизликлар ҳам шу интеллектуал меҳнат туфайлидир. Ватанимиз истиқлолни қўлга киритган кундан бошлаб, мамлакат ёшларига жуда катта эътибор берилмоқда. 2010 йилга Президентимиз И.Каримов томонидан “Баркамол авлод йили” деб рамзий ном берилгани ҳам ёшларга бўлган эътиромнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб беради. Юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли куч бўлмаса мақсадга эришиб бўлмайди. Юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини ҳамда тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиздир. Шу ўринда юртбошимизнинг, “Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифати кўришимиз даркор”¹, деган сўзини қайд этиш жуда муҳимдир.

Интеллектуал меҳнат жаҳонда энг қимматбаҳо меҳнат, интеллектуал бойлик эса бебаҳо мулк ҳисобланади. Ҳар қандай давлат, энг аввало, ўзининг ақл-идрокли одамлари билан бой. Олтинга нисбатан “олтин бошлар” жамиятга кўп фойда келтиради. Ёшларнинг ҳар томонлама, хусусан, интеллектуал камол топиши жараёнида уларнинг тафаккур услубини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим ва долзарб масалалардан бири саналади. Интеллектуал камолот ва таълим-тарбия тизими ўзаро диалектик алоқадорликдадир. “Таълим-тарбия ислоҳати ҳақида гапирар эканмиз, - дейди Президент И.Каримов, - унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин; бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак”². Дарҳақиқат, таълим-тарбия ёш авлодга яратувчилик фаолиятини бахш этади. Бу жараёнда унинг имконият ва қобилиятлари намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, кекса авлодларнинг доно тажрибалари англанилади ва ўзлаштирилади. Инсоннинг

¹“Баркамол авлод йили” Давлат дастури Т.: Ўзбекистон, – 2010. 4- бет.

² Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. // Каримов И.А. хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 331-бет.

келажак ҳаётда ким бўлиб етишиши, маълум маънода, таълим-тарбия тизимига боғлиқдир.

Ҳар бир даврнинг, демак бизнинг давримизнинг ҳам, назарий тафаккури турли замонларда жуда хилма-хил мазмунга эга бўлган тарихий маҳсулдир. Демак, ҳар қандай бошқа фан сингари, тафаккур ҳақидаги фан ҳам тарихий фандир, инсон тафаккурининг тарихий тараққиёти ҳақидаги фандир. “Тафаккур услуби - ишлаб чиқариш характериға ва муайян синф, социал гуруҳлар манфаатларига хизмат қиладиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуига мувофиқ эмпирик билимлар, илмий ғоялар, назариялар, дунёкарашлик ва методологик принциплар асосида мувофиқ хулқ-атвори йўналиши ва амалий ҳаракатини ишлаб чиқариш мақсадида ўраб олган воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни ва уларни ривожланиши қонуниятларини инсон онгига инъикос этилиши ва англаб олишининг воситали усулидир”.¹ Мазкур таърифда барча - оддий, илмий ва фалсафий тафаккур услубига хос энг умумий белгилар қайд этилган.

Илмий тафаккур барқарор бўлган тайёр билимларнинг муайян йиғиндисини тақозо этади, қайсики, унинг асосида инсон билиш фаолияти ва амалий ҳаракати учун мувофиқ келадиган позицияни ишлаб чиқиш жараёни натижаларини баҳолаш содир бўлади². Таълим давомида шакллантирилган тафаккур услубига келсак, у ҳар қандай меҳнат ва билиш фаолиятларида намоён бўлади, бу фаолиятнинг кечиши ва натижаларига таъсир кўрсатади. Бинобарин, замонавий илмий тафаккур услуби билан жамиятимиздаги ҳар бир ёш ўғил-қизнинг қуролланиши тақозо этилади. Таълим давомида ўқувчиларда шаклланадиган тафаккур услуби олимнинг тафаккур услубидан фарқ қиладир. Ҳозирги замон фанининг тафаккур услуби, асосан, янги билимларни қўлга киритиш билан машғул бўладиган кичик доирадаги кишилар профессионал фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир. Ўқувчилар тафаккур услубининг ўзига хос хусусияти таълим жараёнининг фан томонидан қўлга киритилган, тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни билиш ва амалий фаолиятида қўллашга йўналтирилганлиги билан боғлиқдир. Таълим жараёнида шакллантирилган тафаккур услуби амалиётга мойиллик уйғотади. Ўқувчилар бунга асосланган ҳолда олинган назарий билимларни нафақат мактаб шароитида, балки ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳам амалий қўллашга интилишади. Бинобарин, ўқувчиларнинг амалий йўналишдаги тафаккур услуби ҳам шаклланади. Биз, энг аввало, ўқиш-ўрганиш фаолиятида ўқувчиларда тафаккур услуби ўзини қандай намоён этиши, уларда илмий тафаккур услуби шаклланишининг қандай тажрибалари мавжуд эканлигини, бу борада ўқувчилар қандай реал имкониятларга эга эканлигини аниқлаб олишимиз зарур.

Илғор педогогик амалиётда ўқувчиларни диалектик тафаккур билан таништиришнинг муайян тажрибалари тўпланган: ўқувчиларга объектни (таълимнинг мазмуний элементини) айтиб бериш; ундаги объектив

¹ Туленов Ж. Диалектика ва тафаккур услуби. Т., “Фан”, 1979. 16-бет

² Қаранг: ўша жойда, 9-бет

зиддиятни уларнинг томонлари яхлитлиги намоён бўлгунга қадар қисмларга ажратиш; билиш, ўрганиш вазифаларини аниқ таърифлаб бериш; унинг дастлабки ечилиш, ечим усулини танлаш, уни амалга ошириш; ечими, текшириш; унинг асос қилиб олинган дастлабки қоидаларини индуктив умумлаштириш воситасида аниқлаш; назарий даражага кўтарилган умумлаштириш ёрдамида зиддиятларни ҳал этиш лозим. Бу жараёнда материални ўрганишга ёндашишни таҳлил қилиш, ўқувчиларни илмий тафаккурнинг методологик принциплари билан таништиришга, билишнинг мантикий воситалари билан қуроллантиришга, билиш цикли структурасининг элементлари билан таништиришга алоҳида эътибор берилади. Илмий диалектик дунёқарашни шакллантиришга, шахс камолотига йўналтирилган бундай ишлар конкрет предмет мазмунини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган хусусий вазифаларини ҳам ҳал қилишга ёрдам беради. Ўқувчилар тафаккурининг тузилиши ўқув жараёнида улар жалб этилган махсус муносабатлар системаси билан белгиланади. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирларига таъсири марказий ўрин тутadi. Бу ўзаро таъсир бир қатор босқичлардан иборат бўлади. Даставвал педогог дарснинг ўқув-тарбиявий вазифаларини режалаштиради, илм олишга ёрдам берадиган материалларни танлайди, билим орттиришга хизмат қила оладиган вазиятларни, уларнинг кетма-кетлик тартибини, биридан бошқасига ўтиш шарт-шароитларини режалаштиради, ўқувчиларда маълум даража ва типдаги тафаккурни шакллантириш учун зарур бўлган иш тартибларини танлайди, “ривожланишнинг яқин зонаси”да ётган ва адекват маъно-мазмунга эга бўлган иш шакллари ва методларини танлайди. Таълим жараёни ички зиддиятли мураккаб жараёндир. Бу жараёндаги ўқитувчи фаолиятининг асосий белгиловчи ролига – ўқитишга, таълим беришига қарамасдан, ўқувчи ва унинг муҳим таркибий қисми - ўқиш-ўрганиш фаолияти нисбий мустақилликка эга. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчиларнинг ўқув материаллари ва унинг ўзлаштирилишининг ўзаро таъсирини белгилаб беради. Бу ўзаро таъсир давомида ўқувчиларда тафаккур услуби шаклланади, шаклланган тафаккур услуби, ўз навбатида, ўқиш-ўрганиш фаолиятининг характери ва структурасини белгилайди. Шундай қилиб, таълим жараёни ўқиш-ўрганиш фаолиятини ва унинг давомида ўқувчиларда шаклланадиган тафаккур услубини белгилайди ва, аксинча, тафаккур услуби ўқиш-ўрганиш фаолиятининг йўналишлари ва натижаларини белгилаб беради. Ўқувчининг тафаккур услуби ва ўқиш-ўрганиш фаолияти ўзаро диалектик характерга эга: ўқувчиларнинг тафаккур услуби ўқиш-ўрганиш фаолиятини белгилаб беради ва унинг ўзи ҳам бу фаолиятга боғлиқ бўлади.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятининг қай даражадалигини аниқлашда унинг дунёқарашининг кенглиги, тафаккурлаш жараёни, идрок кўлами, ҳаёли, хотира ва диққати каби психологик жараёнлар ва ўзига ҳос индивидуал психо-физиологик хусусиятлари катта аҳамият касб этади. Олий таълим бу - узлуксиз равишда ижодий тафаккурни талаб қиладиган, бир-биридан қийин муамоларга ижобий ечим топишга қаратилган тизимдир. Ижодий тафаккур мураккаб билиш фаолиятдан бири бўлиб, тадрижий

равишда изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади; даставвал савол туғилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала бу - бажарилиши ёки ҳал қилиниши зарур бўлган саволнинг ифодасидир. Белгиланган масала кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам ўзида акс эттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаёжон, шубҳа ҳисларидан фориғ этишга қаратилган майлидир. Талабаларда ижодий тафаккур ривожланиши учун улар бирор-бир муаммо юзасидан мустақил изланишлар олиб бориб, улар тўғрисида докладлар, реферат ва эсселарни тайёрлаб, ўз билимларини мустаҳкамлаши керак бўлади. Берилган топшириқ юзасидан юқори савияда фикр юритиш ижодий тафаккур типи ҳисобланиб, талабадан кенг қамровли дунёқарашни талаб қилади. Фикрлаш дуёнси кўлами қанчалик кенг бўлса, дунёқараши ҳам шунчалик юқори бўлади. Олий таълим тизимидаги ўқитиш жараёнида талабаларга берилган тест саволларига жавоб вариантларидан бирини танлаш ижодий тафаккурни жиддий ривожлантирмайди. Қачонки ижодий тафаккур янги фикрлар ўйлаб топса сўзлар, расмлар ва ҳаракатлар ёрдамида мия имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда янги янги моделларини ишлаб чиқарсагина ривожланиш даражаси юқори бўлади.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани, халқимизнинг жаҳондаги ривожланган миллатлар қаторидан жой олишга интилиши моддий – иқтисодий омиллар, юксак технологиялар билан бир қаторда, маънавий омилларни ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Лекин ҳар икки гуруҳ омилларни ривожлантиришнинг ўзи инсон тафаккурининг ўсишига, ижодий яратувчилик салоҳиятининг кучайишига боғлиқ. Туб ислохотларнинг чуқурлашиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўтмишдан қолган баъзи қолоқ тушунчалар, маъмурий буйруқбозлик иллатлари, боқимандалик кайфиятларининг секин барҳам топаётгани ёки баъзи ёшларга бузғунчи, ёт ғоялар таъсир кўрсатаётгани, мафкуравий иммунитет етишмаслиги тафаккур эркинлиги масаласининг долзарблигини оширмоқда. Ўзбекистонда янги жамиятни барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ижтимоий онда, миллий тафаккурда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Энг аввало, халқимиз инсоннинг тафаккури ва иродасини чеклаб қўядиган ижтимоий қўрқувдан халос бўлди, унинг иллатларини бартараф этмоқда. Лекин тафаккур эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятининг тўлароқ юзага чиқиши учун ички ва ташқи таҳдидлардан огоҳ бўлиб, ижтимоий қўрқувни туғдирувчи ёки озиклантирувчи ҳар қандай омилларга қарши фаол курашмоқ, демократияни ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамламоқ зарур. Эртанги кунга ва ўзига ишонч аҳоли онгида ислохотлар самараси ошган сайин ўсиб бориши муқаррар. Айнан келажакка ва ўзига ишонч турли хил номукамаллик туйғуларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Тафаккур эркинлиги инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятни демократлаштириш, баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим маънавий – интеллектуал шarti ва воситасидир. Шахс, жамият, умуман турли даражада

уюшган социум эркин тафаккур орқали ўз салоҳиятини тўла намоён этиш имконига эга бўлади. Бу имконият жамиятда қарор топган касб танлаш, ишбилармонлик, меҳнат фаолияти, ижод ва сўз эркинликлари орқали амалга оширилади. Тафаккур эркинлиги, шундай қилиб, шахс ва жамият етуклигининг ички мезони, ҳаракатлантирувчи кучи ва ташқи воқелиги, амалга ошувидир. Мустақил Ўзбекистонда тафаккур эркинлигини қарор топтириш ва ривожлантириш таълим – тарбия ва маънавий – маърифий ишларнинг мазмунини ва асосий мақсадларидан бирини ташкил этади. Таълимнинг барча бўғинларида, ижтимоий ва маънавий – маданий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар инсон омилини, шу жумладан, унинг тафаккурини ривожлантиришга қаратилгандир.

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда ижодий тафаккури орқали яратаётган бадиий ва илмий асарлари, турфа хил мақолалари, илмий чиқишлари, ишлаб чиқаришга тақдим қилинаётган лойиҳалари юртимиз равнақи учун хизмат қилмоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг ёшларга берилаётган эътиборининг мевасидир.